
ВАТАНИМИЗ ҲИМОЯЧИЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Бугун Тошлоқ туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 30 йиллиги ҳамда 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мудофаа бўлими ходимлари учун байрам тадбири ташкиллаштирилди. Тантанали маросимда ҳарбий хизматчилар, заҳирадаги офицерлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида туман ҳокими А.Джурабаев сўзга чиқиб, иштирокчиларини самимий қутлади. Шунингдек, тадбир давомида давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва Она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган ҳарбийларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

2022-01-15 13:13:02